

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ КОТИБИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Мухаммад билан учрашув ўтказди.



Жаҳоннинг бош халқаро ташкилоти делегацияси таркибида учрашувда БМТ Европа иқтисодий комиссияси раҳбари Ольга Алгаерова ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий координатори Роли Астхана ҳам иштирок этди.

Мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида БМТнинг институт ва марказлари билан кўп қиррали, самарали ҳамкорлики янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Делегация раҳбари Ўзбекистон етакчилиги ташкилот Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий саломи ва энг зғу

тиллақларини етказди. Таъкидланганидек, БМТ давлатимиз томонидан амалга оширилаётган очиқ ва прагматик сиёсатни, шунингдек, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ҳамда 2030 йилга қадар барқарор тараққиёт соҳасидаги глобал кўн тартибининг асосий вазифаларига тўлиқ мос бўлган тўб ислохотлар дастуричи юксак баҳолайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг барча тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда — биргаликда турли йўналишларда 200 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзосидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкилот Бош Ассамблеясининг қатор муҳим махсус резолюциялари қабул қилинди. Бундан ташқари, экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилинган Оролбўйи минтақаси бўйича БМТ Траст фонди ташкил этилди.

БМТ Тараққиёт дастури, Европа иқтисодий комиссияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНИДО, ФАО, глобал ташкилотнинг бошқа тузилмалари билан самарали амалий ҳамкорлик кенгаймоқда.

Учрашувда фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш, Ўзбекистонда Барқарор

ривожланишнинг, энг аввало, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ва фаровончилигини юксалтиришга қаратилган асосий мақсадлари ижросини таъминлаш учун ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва қўшма тadbирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Камбағаллиқни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида кенг қўламли ислохотларни илгари суриш, гендер тенглик бўйича миллий стратегияни амалга ошириш, “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш, инновациялар ва рақамли технологияларни жорий этиш, инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа ма-

салалар яна бир бор шериклиқнинг устувор соҳалари сифатида қайд этилди.

Халқаро сиёсат масалалари ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Мухаммад Марказий Осиё мамлакатлари минтақада дўстлик, яхши кўшничлик, ишонч ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда улкан муваффақиятларга эришганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда бардавом тинчликни таъминлашга ҳамда ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши-

га, шу жумладан, йирик транспорт ва энергетика лойиҳаларини илгари суриш орқали кўмаклашиш борасидаги сайёҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институт ва тузилмалари билан кенг қўламли ҳамкорлигини қабул қилинган “йўл хариталари” асосида янада ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 июнь куни сув омборларини модернизация қилиш ҳамда Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаларига оид тақдимот билан танишди.

Дарё ва сойлар суви ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам энергетика, ҳам аҳоли турмуши учун муҳим манба. Мамлакатимизда бу қимматли неъмат асраб-авайланиб, халқ манфаатига йўналтирилмоқда.

Шу мақсадда 2017 йилда Президент Фармони билан «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти ташкил этилган эди. Ўтган йили яна 4 та сув омбори ушбу жамият бошқарувига ўтказилди ва улар 6 тага етди. Хорижий компанияларни жалб этган ҳолда ҳар бир сув омборининг техник ҳолати ўрганиб чиқилди ва кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш тadbирлари белгиланди. Унга мувофиқ, тўғонлар, сув олиш ва чиқариш иншоотлари таъмирланмоқда, насос агрегатлари тикланмоқда.

сув омборлари ҳолатини мониторинг қилиб, космик сурат ва маълумотлар билан таъминлаш топширилди.

Кичик гидроэлектростанциялари қурилишига хусусий секторни жалб қилиш, олий маълумотли ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Аҳолининг ҳаёт сифати ва саломатлиги омилларидан бири — тоза ичимлик суви. Лекин бугунги кунда Сурхондарё ахлининг атиги 58 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган, холос. Вилоятнинг жанубий туманлари ва Термиз шаҳрида сув минерализацияси микдори юқори.

Шу боис Президентимиз ўтган йили «Тўпаланг» сув омборидан тармоқ тортиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, ишга киришилди. Бугунгача 47 километр қувур тортилиб, ичимлик суви Сарийосиё марказигача олиб борилди. Йил якунигача Денов ва Шўрчи туманларига етказиш режалаштирилган.

Лойиҳага кўра бир кеча-кундузда 200 минг куб метр сув тозалаш иншооти, қарийб 400 километр магистраль қувур тортилади. Натижада ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 90 фоизга етади.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун туман ва маҳаллалар ичидаги қувурларни ҳам тиклаш, янги тармоқлар қуриш ва сифатли хизматни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020 - 2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон ҳамда 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида:

а) **аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўналишида** 2022 йил якунига қадар:

Тошкент ва Фарғона вилоятларида Ўмон Султонлигининг Атраб интернейшнл сервис (**AtyabInternational Service**) компаниясини жалб этган ҳолда, маҳсулот еттиштирувчилар томонидан **озиқ-овқат маҳсулотлари хавф-**

сизлиги, сифат назорати, халқаро тан олинган сертификация тизимларини ўз ичига олган, **аккредитациядан ўтган лабораториялар** ишга туширилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги муассислигида **Қўқон озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти** ташкил этилади. Мазкур институтга халқаро таълим стандартлари даражасидаги **халқаро бозорларда тан олинган сифат стандартларини** (Global G.A.P, Organic, HACCP ва бошқалар) жорий этишга қўдир юқори малакали кадрларни тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, А.Шукуров) **2022 йил якунига қадар озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича аккредитациядан ўтган лабораторияларни** ишга тушириш, **Қўқон озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтини** ташкил этиш, унинг фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

(Давоми 2-бетда). >>>

Юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар эътироф этилди

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Мухаммад билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқот давомида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, парламентлараро ҳамкорлик, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштириш ҳамда яна бир қатор муҳим масалалар атрофида муҳокама қилинди.

меҳмонни самимий қутлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, яхши кўшничлик алоқалари, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш доирасида яратилаётган шарт-шароитлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳамда қонунчилиқни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижалари билан яқиндан таништирди.

Шу билан бирга, мулоқот жараёнида 2021 йилнинг 23-

24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик масалаларидаги халқаро форум хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, Амина Мухаммад сўнгги йилларда Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларга тўхталиб, ушбу ҳолатлар халқаро доирада кенг эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи сифатида фаол иш олиб бораётганлигига ургу берди.

Самимий кечган мулоқот чоғида амалга оширилган ишлар билан бирга, истиқболдаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқаролар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда ушбу фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали механизmlарини жорий этиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга, шунингдек, ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга **бепул**

етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига ҳар ойда базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари микдорида қўшимча тўлов (кейинги ўринларда — қўшимча тўлов) тўлаб борилади;

1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга **бепул етказиб бериладиган зарур кийим-кечак ва пойабзаллар ўрнига кийим-кечак хариди учун ҳар йили август ойида базавий ҳисоблаш микдорининг 15 баравари микдорида тўланадиган компенсация** (кейинги ўринларда — компенсация) жорий этилади.

(Давоми 2-бетда). >>>

Маҳалла раислари сайлови очиқ, шаффоф ва адолатли тарзда ўтказилди

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Сенат Раиси Т. Норбоева бошқарган мажлисда май ойида юртимизда ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) сайлови натижалари муҳокама қилинди.

Сенат Кенгашида

Таъкидланганидек, Сенат Кенгашининг шу йил 15 мартдаги қарорига асосан 9 минг 349 та маҳаллада жамоатчилик вакиллари иштирокида сайлов ўтказилди.

Натижада 26 минг 910 нафар тавсия этилган номзод орасидан фуқаролар томонидан яширин овоз бериш йўли билан 9 минг 349 нафар маҳалла раиси сайланди.

Йиғилишда ушбу сайловлар қонунчилик талаблари асосида сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда фуқаролар вакиллари иштирокида очиқ, шаффоф ва адолатли тарзда ўтганлиги қайд этилди.

Тadbирда бугун замон ўзгараётгани, одамлар дунёқарashi, фикрлаши ва талаби янгиланиб бораётгани ва шу боис маҳаллаларда ишни ташкил этишда янги-ча ёндашувлар зарурлигига алоҳида ургу берилди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, барча ислохот ва ўзгаришларнинг натижаларини маҳалла аҳолиси ўз ҳаётида ҳис қилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, сайлов жараёнида маҳалла раислигига кўрсатиладиган номзодларга юқори талаблар қўйилди.

Пировардида янги раисларнинг қарийб 95 фоизини олий маълумотлилар ташкил этган бўлса, 6 минг 272 нафари илк бор ушбу лавозимга сайланди. Қувонарлиси, улар орасида аёллар кўлами ортиб, 1 минг 104 нафарга етди.

Мажлисда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан фуқаролардан келиб тушган муурожаатлар ҳолати ҳақида сенатор Т. Мадумаров, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари А. Турсунов ба-тафсил маълумот берди. Хусусан, келиб тушган муурожаатлар тез-корлик билан ўрганилгани, баъзи муурожаатларга асосан айрим ҳудудларда сайлов жараёнида қонунчиликка мувофиқ вақтинча тўхтатилиб, ҳолатларга ойдинлиқ киритилгандан сўнг қайта ўтказилгани айтиб ўтилди.

Мажлис якунида Сенат Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови якунидаги тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020 – 2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш йўналишида жорий йил якунига қадар:

халқаро молия институтлари маблаглари ҳисобидан аграр соҳада умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестиция лойиҳалари ишга туширилади;

хар бир ҳудудда камида биттадан агрологистика марказлари барпо этилади. Мазкур марказларда халқаро бозорларда тан олинган сифат сертификатларини олиш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, Ш.Мирзаев, Х.Каримов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳаларни шакллантириш, ташаббускорларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ишга тушириш чораларини кўрсин;

в) соҳада давлат иштирокини камайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш йўналишларида 2022 йил якунига қадар:

Жаҳон банкининг “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасидаги маблаглар ҳисобидан Андижон вилоятининг тнлаб олнган Олтинқўл, Наманган вилоятининг Чуст ва Фарғона вилоятининг Рыштон туманларида инновацион усуллари қўллаган ҳолда интенсив усулда мева-сабзавот етштириш бўйича махсус (пилот) лойиҳалар амалга оширилади;

Туркиянинг Газизтеп пистачилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда Самарқанд вилоятида Ўзбекистон — Туркия пистачилик илмий маркази ташкил этилади, Туркиянинг серхосил писта навлари коллекцияси асосида миллий писта навларини яратиш ва уларнинг оналик қўчатзорларини ташкил этиш ҳамда Нуробод туманини пистачиликка ихтисослаштириш чоралари кўрилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, Х.Каримов, А.Шукуров) 2022 йил якунига қадар:

хусусий секторни жалб этган ҳолда мазкур туманларда амалга ошириладиган интенсив усулда мева-сабзавотчилик лойиҳаларини ишга тушириш чораларини кўрсин;

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон — Туркия пистачилик илмий марказини ташкил этиш, миллий писта навларини яратиш ва Нуробод туманини пистачиликка ихтисослаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

г) ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналиши доирасида:

космик суратлар ва учувчисиз учиш аппаратларининг материаллари ҳамда дала кузатув маълумотларини таҳлил қилиш орқали 3 миллион гектардан ортиқ сугорилидагн ерлар, 400 минг гектардан ортиқ кўп йиллик дарехзорлар ва 450 минг гектардан ортиқ лалми ерларнинг тизимли мониторинги йўлга қўйилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий йилда 1-иловада келтирилган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ 133,5 минг гектардан ортиқ ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилади ва ўзлаштирилади;

қишлоқ хўжалиги ерларининг геоахборот тизимида 6 турдаги асосий (пахта, галла, шоли, картошка,

маккажўхори ҳамда мойли экинлар) қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши, вегетация даврини таҳлил қилиш йўлга қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, М.Рўзметов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2022 йил якунига қадар мазкур кичик банддаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин;

д) қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш йўналишида:

Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида агрохизматлар марказлари ташкил этилади ва 100 дан ортиқ хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади;

халқаро молия институтларининг жалб этилган грант маблаглари ҳисобидан:

2023 йл ҳосили учун маҳаллий шароитга мос серхосил, касаллик ва зараркунандаларга, сувсизликка чидамли пахтанинг 4 та, бошоқли доннинг 6 та нави амалиётга жорий этилади;

хусусий секторни жалб қилган ҳолда, картошканинг серхосил, касаллик ва зараркунандаларга, сувсизликка, шўрга чидамли вируссиз (“in vitro” “Супер элита” ва “Элита” навларига мансуб 4 миллион дона (йилига) микротуганак етштирилади; ихтисослашган ҳудудларда картошка, жумладан, унинг янги навларини етштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини ташкил қилиш ва янги навларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш чоралари кўрилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев, Х.Каримов, А.Шукуров) 2022 йил якунига қадар 2023 йил ҳосили учун пахтанинг 4 та, бошоқли доннинг 6 та навини амалиётга жорий этиш, шунингдек, картошканинг 4 миллион дона (йилига) микротуганакларини етштириш, ҳудудларда картошка етштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини ташкил қилсин ва янги навларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этсин;

е) тармоқ статистикасининг шаффоф механизмини ишлаб чиқиш йўналишида 2022 йил якунига қадар:

“Ягона дарча” тамойили асосида фермер хўжаликларига пахта, галла ва бошқа маҳсулотларни етштириш учун имтиёзли кредит ажратиш, сугурталаш, шартномаларни электрон расмийлаштириш, техникаларни лизингга олиш, аротехник тадбирларни амалга оширишда таъминот ва хизмат кўрсатишини ўз ичига олган “Агроплатформа” (agroplatforma.uz) ахборот тизими ишга туширилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ажратилаётган 26 турдаги субсидиялар бўйича ҳужжатларни тўплаш, қўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишиш жараёнларини “Агросубсидия” ахборот тизими орқали амалга ошириш йўлга қўйилади;

Фарғона ва Самарқанд вилоятларида сув баланси ва сарфи ҳисобини юритиш ҳамда ерларни тўғри сугориш ишларини масофавий мониторинг қилишининг электрон модели ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, Қ.Юлдашев), Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (А.Исроилов), Сув ҳўжалиги вазирлиги

(А.Назаров) маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар мазкур тизимларни ишга тушириш орқали электрон хизматларни кўрсатишни ташкил этсин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, А.Шукуров): а) 2022 йил якунига қадар Жаҳон банкининг маблаглари ҳисобидан:

хусусий секторни жалб этган ҳолда Ўзбекистонда мавжуд генофонддан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг бирламчи уруғчилиги ва дургайлариини яратилишинг самарали тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон — Сербия қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги илмий марказини ташкил этиш;

Халқаро картошкачилик маркази (CIP) билан ҳамкорликда картошканинг серхосил, касаллик ва зараркунандаларга, сувсизликка, шўрга чидамли навлари селекцияси ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш учун қўшма лойиҳани амалга оширсин;

б) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш лойиҳалари учун 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблагларни йўналтириш чораларини кўрсин;

в) Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил этиш. Тошкент давлат аграр университетини модернизация қилиш учун Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси ҳисобидан 17 миллион АҚШ доллари, Европа Иттифоқининг “Бюджетни қўллаб-қувватлаш” дастури маблаглари ҳисобидан 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблаглар ажратилишини таъминласин.

4. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун–моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тасвися этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шохри,
2022 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

Қ А Р О Р И

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ФАҲРИЙЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда, қўшимча тўлов Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан пенсияларни ва нафақаларни тайинлашга масъул бўлган ташкилотга ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Белгилансинки, компенсация ва қўшимча тўловлар мазкур бандда келтирилган шахсларга, уларнинг пенсиялари ва нафақалари тўланадиган тартибда тўланади.

2. Қўшимча тўлов ва компенсациялар-ни молиялаштириш қўйидагилар:

а) Пенсия жамғармаси ҳисобида турган пенсия ва нафақа олувчиларга:

қўшимча тўловлар — Пенсия жамғар-маси маблаглари; компенсациялар — Ўзбекистон Респуб-ликасининг республика бюджети маблаг-лари;

б) Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар ва-зирлиги, Фавқулудда вазиятлар вази-рлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекис-тон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Олий суд, Конститу-циявий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Электрон технологиялари ривожлантириш маркази, Миллий гвардия ва Давлат бохжона қўмитаси томонидан тайинланган пенсия ва нафақаларни олувчиларга қўшимча тўловлар ва компен-сациялар мазкур вазирлик ва идораларга ажратилган бюджет маблаглари ҳисоби-дан амалга ошириласин.

3. Молия вазирлиги ўшбу қарорда қўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблаглар 2022 йилда Давлат бюджети параметрларида 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фа-шистлар концлагерларининг вояга етма-ган содiбк маҳбуслари ва Ленинград ша-ҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқа-роларга, шунингдек, ўзгалар параварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ноги-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шохри,
2022 йил 8 июнь

ШҲТга аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг бешинчи йиғилиши

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислиги доирасида ташкилотга аъзо давлатлар қатор вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг учрашувлари ташкил этилмоқда. Пойтахтимиздаги Халқаро анжуманлар саройида бошланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг бешинчи йиғилиши ҳам шулар жумласидан.

Халқаро анжуман

Гибрид форматда, Ўзбекистон Рес-публикаси раислигида ўтган учрашувда ШҲТга аъзо мамлакатлар соғлиқни са-клаш вазирлари, шунингдек, соҳада фаолият олиб бораётган халқаро экс-пертлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, фахрий меҳмонлар иштирок этди.

Анжуман аввалда Ўзбекистон Рес-публикаси соғлиқни сақлаш вазири Бехзоод Мусаев ва ШҲТ Бош котиби Чжан Мин сўзга чиқиб, қатнашчиларни нуфузли тадбирдаги иштироки билан қутладилар. Жумладан, Чжан Мин он-

лайн чиқишида ташкилот олдида тизим-даги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш вазифаси турганини таъкидлаб, бунинг учун барча имконият мавжудлигини қайд этди.

“ШҲТ мамлакатлари аънанавий (халқ) табобатининг замонавий соғлиқ-ни сақлаш тизимларига интеграцияси” халқаро форуми доирасидаги йиғилиш-да соҳа мутасаддилари навбати билан ўз маърузаларини тақдим этди. Унда мутахассислар тайёрлаш, шифокорлар малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, изчил илмий тадқиқот олиб бо-

риш билан боғлиқ умумий тамойиллар хусусида сўз борди.

Махлусда COVID-19 пандемияси дав-рида сифатли тиббий хизматдан фой-даланиш имкониятини кенгайтириш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатни бир-лаштириш масаласи ҳам атрофлича му-ҳокама қилинди. Аъзо давлатлар эпи-демиядан кейин юзага келган муаммо-ларни ҳал қилиш учун бирдамликда иш олиб бораётгани, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш йўлида барча чоралар қўрилаётгани айтиб ўтилди.

Дастурга мувофиқ, тузилмага аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, халқ табобатининг за-монвий тиббиётга интеграциялашу-ви, юкумли бўлмаган касалликлар хав-фини камайтириш бўйича делегация-лар раҳбарлари ҳисоботи тингланди. Бунда ҳамкорлик ва алмашинувнинг яхши суръати сақланиб қолгани таъ-кидланиб, пандемия профилактикаси, бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва халқ табobati йўналишида амалий

ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги маъқулланди.

Учрашувда Қозоғистон соғлиқни сақ-лаш вазирининг биринчи ўринбосари Марат Шоранов, Хитой Халқ Республи-каси миллий соғлиқни сақлаш комис-сияси раҳбари Ма Сювейи, Қирғиз Рес-публикаси соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашова ва Тожикистон соғлиқни сақ-лаш вазири Жамолiddин Абдуллозода ўз чиқишида соғлиқни сақлаш бўйича ҳам-корлар олдида турган бир қатор муҳим вазифаларга тўхтади.

Абдували СОЙБЕНАЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Форум

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Куни кеча Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида

“Тенглик, рангбаранглик ва инклюзивлик: сув бизни бирлаштиради”

мавзuida халқаро хотин-қизлар сув форуми бўлиб ўтди.

Форум ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова онлайн тарзда қатнашди.

Сенатор ўз чиқишида бугун сув муаммоси Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам низоътда долзарб экан-лиги, минтақамизнинг барқарор ривожлани-шига жиддий экологик хавф солаётган Орол денгизи қуриши ва бу муаммони ҳал этишда Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ҳам-корларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш давр тақозоси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу бора-даги ташаббуслари халқаро ҳамжамият то-монидан қўллаб-қувватланаётгани, хусусан, БМТнинг Оролбўйи учун инсон хавфсизлиги бўйича кўн томонлама шериклик Тарф фон-ди ташкил этилгани ҳамда Оролбўйи минта-қасини экологик инновациялар ва техно-

логиялар зонаси деб эълон қилиш тўғриси-да махсус резолюция қабул қилинганини низо-ятда муҳим воқеа бўлганлиги алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, форумда бу каби глобал муаммоларни ҳал этиш, соҳанинг ҳуқуқий асо-сини тақомиллаштириш, иқлим ўзгариши ма-салалари бўйича қарорлар қабул қилишда аёл-ларнинг иштирокини ошириш, уларнинг ер, сув ва биологик ресурслардан мустақил фой-даланиш имкониятларини кенгайтириш чо-раларини кўришда аёл парламент аъзоларининг фаоллигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, мазкур халқаро форум Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаёт-ган “2018 — 2028 йилларда “Сув барқарор ривожланиш учун” халқаро ҳаракатлар ўн йил-лиги Иккинчи юқори даражадаги конферен-цияси доирасида ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИДА ФАОЛ БЎЛИШИ ЗАРУР

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ва юқори палата ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, Тошкент давлат юридик университети олимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Сенат ҳузуридаги Ёшлар пар-ламентининг конституциявий ислохотлар жа-раёнидаги иштироки масаласи муҳокама мар-казида бўлди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мам-лакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳасини тубдан ислоҳ этиш, фуқа-ролик жамияти институтлари ва ОАВнинг ро-лини ошириш, аҳоли турмуш шароитини ях-шилаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдагиларига замон талабларига мос равишда қўшимча ва ўз-гаришлар киритиш борасида тизимли иш-лар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, бу-гунги кунда Бош қомиссимизни жамиятдаги реал воқеликка мослаштиришни ҳам давр-нинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистоннинг тарақ-қиёт стратегияси доирасида илгари сури-лаётган кенг қўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби улғувор мақсадлар бу борадаги зарур ҳуқуқий асосни таъминловчи конституциявий макон-ни тақомиллаштириш зарурилгини кўрсатади.

Шу маънода, ҳар бир юртодшимиз, хусу-сан, Ёшлар парламенти вакиллари бу бора-да фаоллик кўрсатиши ва ўзларининг фикр-ларини дадил билдиришлари зарур. Давра суҳбатида Ёшлар парламенти аъзолари Конс-титутцияни тақомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор тақлифларни ўртага ташлади.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОР 4 ХИЛ РАНГЛИ ПОМИДОР ЕТИШТИРЯПТИ

Самарқанд туманининг Юқори Туркман маҳалласида яшовчи ёш тadbirkор Отабек Умуров 25 сотих майдондаги иссиқхонасида помидор, бодринг ва булғор қалампирни етиштириб келади.

Иزلаниш

Одатда биз қизил ва пушти рангли помидорларни кўрганмиз ҳамда уларни истеъмол қилишга кўникканмиз. Ёш тadbirkор эса иссиқхонасида сарик ва қора рангли помидорларни ҳам етиштирмоқда. Унинг айтишича, махсулотнинг харидори кўп. Чунки мазаси ўзгача.



— Бугунги кунда 20 хил помидор етиштиряпмиз, — дейди О. Умуров. — Қизил ва сарик рангдаги “Черри” навли помидорларимиз анча харидордир. Унинг бир тулидан 3-4 килограмм ҳосил олинади. Килоси 25 — 30 минг сўм атрофида сотилаётир. Уруғлар Нидерландия, Россия ва Туркиядан олиб келинади. Мамлакатимиз учун янги бўлган мазкур навларни кўпайтириш мақсадида кўчатчилик билан ҳам шуғулланяпмиз. Бунинг учун махсус кўчатхона ташкил этдик ва кўчатларни парваришда кимёвий ўғитлардан фойдаланмаймиз. Тўлиқ ўзимиз тайёрлаган табиий биогумусни ишлатамиз. Тadbirkор бугунги кунда йигирмага яқин тенгдошларини иш билан таъминлаган. У келгусида хориждан келтирилган турли рангли булғор қалампирларини ҳам маҳаллийлаштириш режалаштирган.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).



«ОРЗУЛАР РЎЎБИНИ, ЯНГИ РЕЖА ВА МАҚСАДЛАРНИ ТУҲФА ЭТГЕНИНГ УЧУН ТАШАККУР, ЎЗБЕКИСТОН!»

Бухоро шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми туркий дунё ёшларини нафақат бир платформага бирлаштирди, балки уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишига, тажриба алмашишига, дўстлашишига имкон яратди. Форум иштирокчиларининг фикрлари айнан шу ҳақда.

Эътироф

Бағдод АМРЕЕВ,
Туркий давлатлар ташкилоти
Бош котиби:

— Ёш лидерлар форуми Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мамлакатларнинг ёшлар сиёсатига масъул давлат ва но-давлат ташкилотлари раҳбарлари, фаол ўғил-қизлар ўртасида мана неча йилдирки кўтаринки кайфиятда ўтказиб келинмоқда. Асосий мақсад — Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ёш лидерлари ўртасида тadbirkорлик, маданият, санъат, спорт, медиа, илм-фан соҳаларида ўзаро доимий тажриба алмашиш майдони яратишдан иборат.

Фикримча, Ўзбекистонда ташкил қилинган форум бу хайрли ишни муваффақиятли уддалади, иш режасини ортиғи билан бажара олди. Мазкур анжуманда иштирок этиш учун мамлакатингизга Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Венгрия давлатларидан ёшлар ҳамда делегация аъзолари ташриф буюрди, ёшлар ўртасида самимий дўстлик ришталари богланди.

Форум доирасида Бухоро шаҳрини “Биринчи туркий дунё ёшлари пойтахти” деб эълон қилдик. Бу туркий дунёнинг буюк маданий-тарихий меросини оммалаштириш ҳамда маданий-гуманитар ҳамкор-

ликни кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Озар АЛИЕВ,
Ёшлар ташкилотлари миллий
ассамблеяси раиси
(Озарбайжон):

— Бу форум турли мамлакатларда яшаётган, бироқ фикру қарашлари, истаклари ўхшаш ёшларни учраштирди, уларга келажақдаги ҳамкорлик сари йўл очди, десак, муболага эмас. Умрининг бу сергайрат фаслида ҳар бир инсоннинг асосий хоҳиши — ўзини кўрсатиш, ўз иқтидори билан ўзгаларни қўйил қолдиришдир. Форум доирасида Ўзбекистонлик ёш дўстларим билан суҳбатлашар эканман, ҳар бир соҳада жаҳон билан беллаша оладиган йигит-қизлар кўп эканига амин бўлдим.

Таъкидлашим лозимки, форум ўзига хос, бетакрор ўтди. Икки кун давомида янги дўстлар, ҳамфикрлар орттирдик, янги гоёлар, келгусида биргаликда қилинадиган ишлар борасида суҳбат курдик. Айниқса, учувчисиз парвоз қилувчи жанговар курилмалар ишлаб чиқарувчиси, “Baykar Technology” ширкати директори Салжук Байрактарнинг форумда қатнашиши, анжуман доирасида ёшларга ишбилармонлик ва медиа йўналишида маҳорат дарси ўтиши, айтиш мумкинки, бизни алоҳида илҳомлантди.

Ўзбекистонга илк саёҳатим давомида бу юртининг меҳмондўстлиги, содда ва самимий одамлари юрагимдан алоҳида ўрин эгаллади. Очиғини айтганда,

бундан буён ҳам Ўзбекистонда қандай тadbirkор, қандай форум ўтказилишидан қатъи назар, бажонидил келиб қатнашаман.

Асхат НУРМАШЕВ,
«Asar-Ume»
ташкилоти
раҳбари
(Қозоғистон):

— Унутмаслик лозимки, замонавий билим ва кўникмаларга эга, келажақ учун жавобгарликни ўз зиммасига ола билладиган, баркамол, мақсадга интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдан ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Ёшлари қудратли юрт, албатта, тараққий топади, турли соҳаларда жаҳон минбарларида шарафланади.

Мен форум доирасида унга ўзимча шиор ўйладим: “Туркий халқлар ёшлари — туркий дунё бирлашуви учун”. Ушбу нуфузли анжуманда мақсад ҳам туркий тилли ёшларни эзгу гоёлар атрофида бирлаштириш, уларни бир-бирига кўмаклашиб, дунё тамаддунига жиёса қўшган аждодлари сингари юксак чўққиларни забт этишга ундашдан иборат. Анжуманлар ва дўстона суҳбатлар давомида қардошлар билан мулоқот қилиб, шунга амин бўлдикки, юқорида айтилган мақсад уларнинг орзу-ўйлари билан муштрақидир.

Бизга ана шундай биродарликни, орзулар рўёбини, янги режа ва мақсадларни туҳфа этганинг учун ташаккур, Ўзбекистон!

Канат ЖАНАТ ўғли,
башши (Қирғизистон):

— Бу форумнинг айнан Бухорода ўтказилганида ҳам ўзгача маъно бор.



Бухоро заминига қадам қўйишимиз билан амин бўлдикки, бу ўлка санъатга бой дийёр, унинг халқи, айниқса, иход ахлини гоёат хуш кўради. Ўзим ҳам қанидир, тезроқ уларни ўз санъатим билан хушнуд қилсайдим, дея ўйладим. Биз форумда чарнамадик, қайтага янада кучга, қалбимиз хаяжонга, қўзларимиз қувонгча тўлди.

Дарҳақиқат, ушбу эзгу ташаббус саналган форум қардош мамлакатлар ёшлари билан турли соҳаларда ҳамкорликни янада кучайтириш, илм-фан янгиликларини ўртоқлашиш, глобал муаммоларга илмга таянган ҳолда ечим топиш каби қатор эзгу ниятлар амалга ошишига хизмат қилади.

Айтиш жоизки, мамлакатингизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан, янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанс даврининг янги авлодларини тарбиялаш масаласи эса асосий мақсадлардан бирига айланганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон ёшларининг ўз қобилиятларини ривожлантириши учун яратилаётган шароитлар кўламини тобора кенгайиб бораётгани, албатта, ўз мевасини беришига ишончим қомил.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») эзиб олди.

КИТОБ-ПОК НИЯТ ЭЛЧИСИ

Мутолаа мутлоа шахсий ва табиийки, уни ҳар ким ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, амалга оширади. Ўн — ўн беш йил бурун “Сўнги ўқиган асарингизни айтинг”, деган саволдан кўпчилик ўнгайсизланиб қоларди. Бугун эса бу саволни ҳар доим ҳам, ҳар кимга ҳам беравермаймиз.

Хўш, нима, энди китоб ўқимай қўйдикми? Бугун китобхонга қандай китоблар таклиф этиляпти? Ахборот-кутубхона хизматининг бугунги ҳолати қандай? Мулоҳазаларимиз шу ҳақда.

Бу даргоҳга шунчаки кирилмайди

Светлана Жёлтиковани онаси Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройининг хореография тўғрагига олиб келганида у олти ёшда эди. Қизалоқни кошонанинг уч қаватини эгаллаган кутубхона хореографиядан кўра кўпроқ ўзига тортиб, маш-

ғулотлардан бўшади дегунча, ана шу ўқув залига ошиқадиган бўлди. Ва кўп ўтмай, рақсдан батамом воз кечди...

Мана, ўттиз йилдан ошибдики, Светлана Валентиновна ушбу маърифат ўчоғига боғланиб қолди. Бу оралликда ўрта мактаб, Тошкент маданият институтини тамомлаб, оддий китобхонликдан кутубхона раҳбарига бўлган йўлни босиб ўтди.

“Фарҳод” маданият саройи — “НКМК жамғармаси” давлат муассасасининг йи-

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

рик маданият ва маърифат ўчоқларидан бири. Ушбу масканда бадий ҳаваскорлик, фольклор-этнография, миллий рақс ва эстрада санъати жамоалари билан бирга яна бир неча тўғарак ва клублар, марказлар фаолияти йўлга қўйилган.

Мазкур даргоҳга ҳар кун июлаб турли ёшдаги турфа миллат вакиллари қатнайди. Ушбу кошонанинг шундоқ ён эшигидан кириб чиқувчилар сони эса ундан кўп бўлса кўпдирки, асло кам эмас. У ташриф буюрувчиларга тақдим этаётган маънавий-маърифий ва интеллектуал бойлик салмоғини оддий сўзлар билан ифодалаш мушкул.

— Кутубхонамизга 1972 йилда асос солинган, — дейди Светлана Валентиновна. — У икки ўқув зали ҳамда етти бўлимдан

иборат. Китоб фондимиз эса 220 минг нусхадан кўпроқни ташкил этади. Асосан ўзбек, рус ва инглиз тилидаги бадий, илмий ва услубий адабиётлар. Кўплаб китобларимизнинг бир нусхадан эканини дастлаб тармоқ кутубхонаси сифатида ташкил этилганимиз билан изоҳлаш лозим.

Шунга қарамай, кутубхона 12 минг нафардан зиёд доимий китобхонга эга. Уларнинг 42 фоизини талабалар, ўқувчи-ёшлар, 21 фоизини эса ишлаб чиқариш соҳаси ишчи-муҳандислари ташкил этади. Ҳар куни ўқув залларида 300 дан 500 нафаргача китобхон мутолаа билан машғул эканини кўриш мумкин.

— Кутубхонамизда ўқув заллари 65 ўринга эга, — дейди кутубхоначи Айнура Раззоқова. — Шу сабаб доимий китобхонларимиз учун алоҳида график тузилган. Тўртинсини айтсам, айрим кунларда китоб залларида жой бўшагини китоб турли ҳоллари ҳам учраб туради.

Масканда болалар бўлими алоҳида қаватни эгаллаган. Бўлимнинг мўъжаз ўқув залидаги қулайликлар деярли ўй шароитига яқинлаштирилган. Шунингдек, кутубхоначилар ҳар бир ёш китобхон билан, айниқса, у илк бор келаётган бўлса, индивидуал равишда шуғулланади.

— Бу жараёнда ёш китобхончи қизиқиши, уни даргоҳимизга бошлаб келган мавзунини билиб олишга ҳаракат қилиб, шу асосда унга адабиётларни тавсия этамиз, — дейди С. Жёлтикова. — Бу жуда муҳим жараён. Сабаби, бола ўз қизиқишини қаноатлантирадиган, истаган ахборот ва маълумотини ола билладиган китоб олмаса, унинг мутолаага иштиёқи сўнади. Мисол учун, фантастика жанрига қизиқувчи болага эртак китоб тавсия этсангиз, унда эртага конструкторлик бўйича адабиётларга қизиқиш сўниб қолиши мумкин.

Бугунги кунда оилавий кутубхонаси бор юзлаб, минглаб юртдошларимиз борлиги қанчалар яхши! Айтмоқчи бўлганимиз, кутубхонада “Фаол китобхонлар” клуби ташкил этилган бўлиб, у ўз атрофида кексалик гаштини сураётган 27 нафар меҳнат фахрийларини бирлаштирган. Улар ҳар ой бир-икки бор йиғилиб, ўз шахсий кутубхоналаридаги китоблардан алмашинишди. Китоб оламидаги янгиликлар билан ўртоқлашиб, маънавий-маърифий тарбиянинг долзарб вазифалари ҳусусида суҳбатлар ўтказишди.

— Биз китоб тарбиясини олган авлодмиз, — дейди ушбу клуб аъзоси Салима Холдирова. — Бугунги авлод кўпроқ телефон ва ижтимоий тармоқлар тасйирига тушиб қолаётир. Газеталардан мунажжим

башорати, турли сканворд, криптограмм ва ҳоказони ахтаришади. Албатта, ҳаммаси эмас, лекин улар кўпчилик. Бу, табиийки, фикрий элволликка олиб келади. Мен кўламнинг гўзаллигини, беғубор бодалигим кечган қирғиз овуллари тароватини Чингиз Айтматов қиссаларидан топаман. Бехитёр шу асарларнинг қаҳрамонига айланаман... Буни менга интернет бера олмайди. Ҳарфни, сўзни кўзга сингдириб ўқийшининг гашти бўлакчада. Шунда ўқийшининг “таъми”ни биласан киши.

Кутубхонанинг яна бир бўлими китобларни таъмирлаш ва реставрация қилиш билан шуғулланади. Ушбу бўлим ходимлари кекса китобхонлар беминнат туҳфа этган ноб, нодир китобларга иккинчи ҳаёт ато этишган. Улар орасида 1848 йилда чоп этилган китобларнинг борлигини ушбу масканга китобхонларнинг бекиёс эҳтиром сифатида қабул қилмоқ жоиз.

Махсус дўконлар қани, кутубхона-чи?

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида 2017 йил 13 сентябрда Президентимизнинг “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тadbirkорлар дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг тўртинчиси ҳам айнан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва улар ўрта-сида китобхонликни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Китоб ва китобхонликка бу қадр эътибор қаратилиши беҳиз эмас, албатта. Айрим ёшларимиз онгидеги бўшлиқдан, рустўйил, мулоҳазакорлик, адолатпешалик, иллатларга мурасасизлик, манттикий фикрлай олиш фазилатларидан айро эканидан хавотир тақозоси, бул Зеро, мутолаага боғланган кўнгилга фақатгина китоб беҳад улуси маънавий озқула улашади. Мутолаа асносида қаҳрамонлар бахтидан

Шуниси аниқки, инсоният тафаккурининг буюк қасбиёти — китоб барча илмлар манбаи, ҳар биримиз учун энг яқин дўст, доно маслаҳатчидир. Шу босис замонавий гаджетлар, электрон алоқа воситалари ҳаётимизга чуқур кириб бораётганига қарамасдан, улардан ҳеч бири китобнинг ўрнини боса олмайди. Муҳими, китобга боғланган кўнгилга ёмонлик урчимайди. Китоб ва мутолаа қалбларга эзгулик нурини олиб кириб, кишини яхшилик сари етаклайди. Мадамкики шундай экан, бугун фарзандларимизни мана шундай камолотдан бебаҳра қилмайлик.

Дарвоқе, охириги марта қандай китоб ўқудингиз?..

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Китоб жавонингизга

“Ўзбекистон Республикасида анорчилик иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш” номили ушбу китоб юртимизнинг таниқли олимлари томонидан нашрга тайёрланган ва Фафур Фулом номидеги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган.

Анорчиликда муҳим қўлланма

Китобда анорчиликка иқтисодлаштирилган ҳужайраларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистонда анор етиштиришнинг инновацион технологияларини жорий этишининг назарий-усулбий асослари ёритилган. Қўлланма олий ўқув юртилари бакалавриятининг иқтисодиёт, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти, менежмент, маркетинг йўналишларидаги талабаларга мўлжалланган бўлиб, ундан магистрлар, докторантлар, агрофирмалар ва агрокласс-терлар ходимлари, шунингдек, фермерлар, деҳқонлар ҳамда тadbirkорлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистонда анор ўсимлиги бўйича қўллаб тadbirkорлар олиб борилган. Аммо яқин вақтгача унинг экологияси, физиологияси, биологияси, шунингдек, ўстириш технологияси ва бу маданийнинг оқилона тарқалишини агроклиматик асослаш бўйича матери-риаллар умумлаштирилмаган эди. Ушбу муаммонинг ечимида мазкур китоб муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз.

Китобда Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон каби хорижий мамлакатларнинг анор етиштириш экологияси, биологияси ва технологияси маълумотларидан кенг фойдаланилган.

Китобда Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон каби хорижий мамлакатларнинг анор етиштириш экологияси, биологияси ва технологияси маълумотларидан кенг фойдаланилган.

«Маъсума»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Маъсума” романида тарихимизнинг “жадидлик” деб аталган энг мураккаб даври, ватанпарвар ота-боболаримизнинг юрт озодлиги ва халқ хуррияти йўлидаги фидойилиги, мамлакат равнақи йўлида амалга оширилган ибратли ишлари ҳамда биринчи ўзбек актрисаси Маъсума Қориеваннинг фожiali тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур асарни юртимиз тарихидаги қора кунларнинг замонавий талқини, миллий театр-имизнинг бадий тарихи, десак, янгилишмаган бўламиз. Тўпламда ёзувчининг кейинги йилларда ёзилган ҳикоялари ҳам ўрин олган. Китоб халқимизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

«Эҳтиром»

Ўзбек адабиётининг забардаст даргаларидан бири — Абдулла Қаҳҳор насри ҳақида сўз кетганида, мазмунан салобатли, китобхонни биринчи жумласиданоқ боғлаб олувчи мафтункор, миллий калорит бутун ўзгаллиги билан тўла маънода акс этган дурдона асарлар кўз унгимизда гавдаланади.

Адиб ҳақидаги хотиралар билан танишган ўқувчида Абдулла Қаҳҳор шахсига нисбатан уйғонган ҳурмат асарларига бўлган меҳрдан кам бўлмаслиги муқаррар.

Нуриддин Очлов томонидан ёзилган мазкур китоб ўқувчини, аввало, Абдулла Қаҳҳор хонадонини — уй-музеини-га қорлайди, адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ муҳим тафсилотлар билан таништириди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-қодишни телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 0010-6788

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 01.15

1 2 3 4 5 6